

"Деҳқонобод калий заводи"да "Раҳбар ва ёшлар" учрашуви бўлиб ўтди

// 14.02.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/dehqonobod-kaliy-zavodi-da-rahbar-va-yoshlar-uchrashuvi-buli>



Бугун бошқарув раиси раҳбарлигида жамиятда ёшларни қўллаб-қувватлаш, муаммоларига ечим топиш ҳамда таклифларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни тизимли йўлга қўйиш мақсадида "Раҳбар ва ёшлар" учрашуви ташкил этилди.



Учрашувда ёшлар учун тил ўрганиш бўйича қўшимча ўқув курсларни жорий қилиш, семинар-тренинглар ташкил этиш, мустақил илмий тадқиқот ишлари учун кенг имкониятлар яратиш, ёшларни спортга бўлган қизиқишларини янада рағбатлантириш, саёҳатлар уюштириш ва бу жараёнда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда шу каби бир қатор масалалар илгари сурилди.

Учрашув давомида ёш ходимлар ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

“Деҳқонобод калий заводи” АЖ Матбуот хизмати